

(Адабий тафтишлар ва таржимаи хол)

Бир вақт Туркистонда ва балки бутун Ўрта Осиёда маориф ва маданият ўчоги бўлгон Самарканднинг, ўн иккинчи асри хижрий ўрталарида (60-70 йил) ўзаро урушлар натижасида харобазор холида қолгонлиги тарихдан маълумдир. Шу хароблик чоғларида Самарканддаги бир неча мухташам бинолар фаторат бўлгон ва қўб қимматлик нодир қитоблар, вақфномалар йўқолиб кетган. Хатто узун замонлар қимматчилик ва қадриятли сабабидан шаҳар ичи одамсиз қолиб, даладарда ҳам экинчилик бўлмагон.

Мана шу хароблик ва бузғунликлар, Мовароуннахр ҳукумати мангитлар қўлига ўтгандан кейин бир мунча тузала бошлагон, мангит амирларидан Шохмурод ўзининг отаси Дониёл замонида (1195 йилда) Самаркандга ҳоким тайин этилгандан эътиборан шаҳарни бир қадар тузатишга ва обод этишга киришган. Бузилаётган мадраса ва масжидларни таъмир (ремонт) қилгон. Самарканднинг ташқи қалъасини қайтадан тузатиб, аввалги холига қелтирган. Шохмурод отасининг тахтига ўтиргондан сўнгра (1199 йили), бир ёқдан, жиддий суратда Самаркандни обод этишга бел боғлаган. Теварақдан халқни қўчуриб, шаҳарга ўринлаштирган ва қанча янги гузар (махалла)лар ташкил этган. Иккинчи ёқдан, вақф ишларини тартибга қўйгон. Сўниб қолгон маориф чирогини ёқиб, Мирабдулхай (Кози Шал)дек олим бир зотни Самаркандга қози ва мударрис белгиланган. Ёлғиз Самаркандда эмас, бутун Бухоро ва Туркистонда илму фазли билан шуҳрат чиқаргон Кози қалони Шал шу Мирабдулхайдир.

Кози Шал бир томондан, қозилик вазифасини бажариб, бошқа томондан, Шердор мадрасасини тузатиб, шунда дарсгўйлик эта бошлагон. Бир неча йилда қўп олим ва шоғирдлар етиштургон. Шу орада қозининг тарбияси билан ўзининг уч-тўрт ўғли ҳам машҳур олимлар қаторига қирганлар. Кози ўзининг умри охирида икки оёғи шал бўлгон эса ҳам, жим турмагон. Ўн уч йиллик шаллик вақтларини таълиф ва таҳрир билан ўтказиб, бир неча диний-ахлоқий асарлар ёзган. Кози қалони Шалнинг фақат ўзи эмас, унинг ота-боболаридан бошлаб ҳозирги замонимизгача етиб қелган болалари ҳам илму фазл ошиқи бўлиб, маориф йўлида ишлаб қелганлари учун мен уларнинг қисқача таржимаи ҳолларини ёзиб ўтмакчи бўлдим.

«Кози қалони Шал» лақаби билан шуҳрат топган шайх ул-ислом қози Мирабдулхай Абулхайр Аъламнинг ўғли ва Мавлавий Файзийнинг набирасидир.

Мавлавий Файзий ўз асрида шуҳратлиқ олимлардан бўлгон. Бунинг «Мулла Жамол» татиммасига ёзгон арабча шарҳи Туркистон уламолари орасида машҳур ва мақбулдир. Қабри Шаҳрисабзда «Хўжа Амакана» деган мазористондадир. Абулхайр эса Самарканднинг мўътабар олимларидан саналиб ўз замонида аълам бўлиб ўтган. Бунинг қабри Самаркандда «Хон Сайид Имом» қабристонидадир. Кози Шалнинг ота-боболари Самарканд туманидаги «ёри» жамоасидан (тожик) дир.

Кози калони Шал Самаркандда 1169нчи йидда дунёга келган. Йигирма олти ёшида Бухорода хатми кутуб килгон. Сўнгра амир Шохмурод тахтга ўтириши билан баробар (1199 йилда) уни Самаркандга кози калон килиб юборгон. Бундан бошка амир томонидан козига юртни бошқариш ва халкни тинчитиш учун бутун ихтиёр берилган.

Кози Шал Самаркандга келиши билан баробар ўзининг бўйнидаги вазифасини бажаришга тиришадир. Бир томондан, халкнинг арзу додини сўрайдир, бошка ёкдан, бузгунлик замонида бузулаёзгон Шердор мадрасасини ремонт килиб, шунда талабаларга турли илму фандан дарс беришга киришадир. Ўқишга салохиятлик кишиларни атрофига тўплайдир. Камбагал муллабаччаларга моддий ёрдам берадир. Шунинг билан козининг шуҳрати Туркистоннинг хар томонида ёйиладир; хар ёкдан талабалар келиб, кози хузурида тилаган илму фанларини ўқия бошлайдирлар. Самарканд билим ўчоғига айланадир.

Кози калони Шал керак амир қошида ва керак халк орасида бошка кишилар кўролмаган даражада зўр хурмат ва эътибор козонадир. Давлат ва сарват эгаси бўладир. Ахрорий, Мираканий ва Махдуми Аъзам хўжаларидан хам корачадан киз олиб уйланадир. Катта оилалик бўладир. Козининг хусусий таълим-тарбияси билан ўзининг бир неча ўғли хам турли илмлардан хабардор бўлиб етишадирлар. Шунинг билан козининг хонадони бу кунгача илм оиласи бўлиб келадир.

АСАРЛАРИ

Кози Шалнинг набираси бўлган Абутохирхўжа ўзининг «Самария» деган форсча тарих китобида, бобосининг шаллик вақтида ёзгон асарларини шу тартибда кўрсатадир:

1. «Байзовий» тафсирининг хавошийси.
2. «Сахиhi Бухорий»нинг форсча шархи.
3. «Забур»нинг форсча шархи.
4. «Ахлоки Баходурхоний».
5. «Хидоя» шархининг шархи («Балиъ» китобидан охиригача).

Мархум Васлий афандининг сўзига карагонда, кози Шалнинг булардан бошка форсча ва арабча тилларида ёзгон «Мукаддимат ут-тафсир» исмли асари бор экан. Тахминан уч юз бетдан иборат бўлгон бу китобда тафсир илмини билмак учун бир неча илмдан хабардор бўлишнинг кераклиги баён этилган эмиш. Васлий афанди шу китобда Бухорода кози Шалнинг авлодидан бўлгон Абдусамадхўжанинг кўлида икки нусха борлигини гапирган эди.

Васлийнинг ривоятига кўра, кози Шалнинг асрида Хиндистонда ўзининг бир неча асари билан шуҳрат чикаргон «Бахр ул-улум» деган бир олим Бухорога келиб, ундаги илм кучларини синамакчи бўлғонида, унинг кўзига макбул бўларлик бирор олим кўринмаган.

Сўнгра амир Шохмурод шу олим билан мунозара килдириш учун кози Шални Бухорога чакиргон. Кози боролмай, ўзининг боёғи «Мукаддимат ут-тафсир» китобини юборгон. «Бахр ул-улум» бу китобни кўриб козининг фазлу камолига койил бўлгон.

Самаркандда бу кунларда бархаёт бўлиб, 85 ёшларга кирган мулла Одил муфтининг айтишига кўра, кози Шал томонидан Куръоннинг тахминан охирги учдан бир бўлаги форсча ва арабча тилларида тафсир килинган эканким, буни мулла Одил: «Мен уни жуда шавк билан мутолаа килгон эдим. Шу китоб самарканддик Мирзо Хомидий Кўкнорийнинг кўлида бор эди» дейдир[1].

Кози калони Шал булардан бошқа «Таврот»ни иброний тилидан ва «Инжил»ни арабчадан форсийга таржима килгон. Хатто Самарканд жухудлари «Таврот»ни унинг олдида ўкур эканлар. «Таврот»нинг иброний нусхаси билан бирга форсийча таржимаси бу кунларда самаркандлик мирзо Мухаммадули Низомиддин ўглининг кўлида бор. (Китоб араб хуруфи ва иброний тилида ёзилгон. Хар бир сатрнинг остида форсийча таржимаси бор).

Мен ўзим «Забур»нинг форсийча таржимасини мулла Фахриддин Рожийнинг кўлида кўруб, китобнинг мукаддимасини ёзиб олдим. Кози Шал бу китобнинг мукаддимасида самовий китоблардан бўлгон «Таврот», «Инжил» ва «Забур»ни текшириб, булардан факат «Забур»нинг узок ўзгарганлигини, бошқалари бутунлай тахриф топгонлигини ёзадир ва бу тўғрида ўзининг «Китоби Шофиций фи шархи тафсири Байзовий» исмли асарининг мукаддимасида узун маълумот берганлигини айтиб ўтадир. «Забур»нинг форсийча таржимасини Самаркандда Саид Ахмадхўжа Накибнинг амри билан ёзгонлигини ифода этадир.

«Забур»нинг таржимаси таъликхати билан ёзилгон, 284 саҳифадир. Китобнинг охирида тарихи ёзилгон бўлмаса ҳам, 50 - 60 йил илгари асли нусхасидан кўчурилиб ёзилгонлиги гумон килинадир.

ШАЖАРАСИ

«Самария»нинг кўлёзма бир нусхасида кози Шалнинг шажараси шундай ёзилгон: Хўжа Абдулфайз имом Козим наслидан бўлгон Жалолиддин Багдодий бин Саид Мухаммад Муслимнинг кизи билан уйланди. Ундан Хўжа Абдулбокий тугулди, ундан Хўжа Саид Ашраф, ундан Хўжа Саид Низомиддин, ундан Хўжа Саид Али, ундан Хўжа Саид Имо-диддин, ундан Хўжа Шамсиддин, ундан Миршахобиддин, ундан Хўжа Мирабдулбокий, ундан Хўжа Мирбокий, ундан Хўжа Абдулмўмин, ундан Хўжа Абдулфаттох, ундан хўжа Шохмирхўжа, ундан Мохпора бегим деган киз тугулди.

Ушбу Мохпора бегим мавлоно Файзий ибн мавлоно Ориф билан уйланди. Мана шулардан Мирабулхайрхўжа тугилди. Бундан Мирабдулхайхўжа дунёга кедди. Бу шажа-ра «Самария»нинг 1904нчи йилда Петроградда босилгон нусхасида йўқдир.

Абутохирхўжанинг «Самария»да ёзгонига кўра, кози Шал Самаркандда кирк йил козилик килгон. Бунга карагонда, кози Шал ўзининг вафотидан тўрт йил илгаригача козилик

килгон бўладир. Чунки ул ўттиз ёшида кози бўлиб, 74 ёшида вафот этгандир. Лекин Самарканднинг эски олимларидан бўлган кози Исохоннинг сўзига кўра, кози Шалнинг козилик муддати кирк йилга етмайдир. Чунки амир Шохмурод (1216нчи йилда) ўлгандан кейин унинг ўгли амир Хайдар ўзининг подшоҳлик вақтида кози калони Шални бекор қилиб, Бухорога чақиртириб оладир. Бунинг ўрнига ўзининг хотуни томонидан қариндошлиги бўлган Миракони хўжалардан Абдулбаракот деган бир кишини кози қалон қилиб Самаркандга юборадир. (Амир Хайдар 1244нчи йилда вафот этган.) Бунга қараганда, кози Шал неча йил Бухорода қолган. Бунинг козилик замони ҳам кирк йилга етмаган бўладир.

Кози Шал тўғрисида халқ ичида, айниқса, мулалар орасида турли ҳикоят ва ривоятлар жуда кўбдир. Улардан баъзиларини бу ерда нақл қилиб ўтамиз. Кози Шал катта давлатлик бўлган. Унинг бог-ер ва усқуналари жуда кўб экан. Ул кози Исохоннинг болаларидан бўлган Носирхўжанинг кўб ер ва боғларини озгина ҳақ бериб олган эмиш. Хатто, вақфномалари йўқолган баъзи вақф ерларини (ясама васикалар чиқариб) эғалик қилган эмиш. Бунинг учун Ахрорий хўжалар билан унинг орасида анчагина жанжал ва англашмовчилик чиққан эмиш... Мана, кози Шал ҳақида шундай «эмиш-мишиш»лар жуда кўб эшитиладир. Бу сўзларнинг қанчаси тўғри ва қанчаси нотўғри эканлиги бизга маълум эмасдир. Харҳодда, бу можаролардан қозининг бир мунча дунёга ҳарис эканлиги англашиладир. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакким, кози Шал мол топишқа қанча тиришкан бўлса, ўшанча марҳамат ва шафқатли, ҳайру эҳсон эгаси ва олиҳиммат бўлган. Бева-бечораларга, айниқса, қамбағал муллабаччаларга ҳамма вақт моддий қўмагини аямаган. Хатто қозининг «хотинингиз ўғул тугди», деб яхши хабар қелтирган бир кишига «севинчилик» учун боғини васикалаб берганлиги ривоят этиладир.

БОЛАЛАРИ

Кози Шалдан олти ўғул ва бир неча қиз қолган. Ўғуллари:

1. Абусаидхўжа.
2. Маъсумхўжа.
3. Эшонхўжа.
4. Бузрукхўжа.
5. Ширинхўжа.
6. Мирсулаймон маҳдум эса қорачадандир.

Булардан Ширинхўжа билан Бузрукхўжаси илмсиз қолиб, бошқалари олим бўлганлар. Кози Шалнинг энг фозил ўғли бўлган Абусаидхўжа (Маржонийнинг устози) Миракони хўжалардан бўлиб, Бузрукхўжа Ахрорийлардандир. Мирсулаймон маҳдум эса қорачадандир.

ВАФОТИ, КАБРИ

Умрининг охирларида ўн уч йил шал бўлгон кози калони Шал бу касалидан кутулмок учун кўб дору даволар истеъмол килгон бўлса ҳам, шифо топмаган. Хамма вақт икки оёғи сурунигача огриб, куяр даражада кизир экан. Факат оёқларини сут ичига солиб тутиш билан дарди бир мунча таскин топар экан. Шундай бўлса ҳам, кози Шал бекор турмаган. Дин ва миллатга хизмат этиш ишки уни ўлганигача ишлаб туришга мажбур этган. Ул кўпрак асарларини шаллик чоғларида ёзган. Ўлганидан бир неча йил илгари козини зоика битиб, ул таом-меванинг аччик-чучуклигини сезмай тургон холда колгон бўлса ҳам, илмига ва аклига футур келмаганлигини ривоят этадилар.

Кози Шал 1243нчи йилда 74 ёшида вафот этган. Ўлиги Хўжа Ахрор кабристонининг ёнида, ўзи томонидан сотиб олингон бир майдонда дафн килингон. Ўғуллари, хотин-кизлари ва бир қисм авлодининг кабрлари ҳам ўзининг теварагидадир[2].

Кози Шалнинг кабри атрофида саккизта гиштик сагана ва кирктача оддий кабр борким, хаммаси ҳам хароб холидадир. Козининг сўл томонидаги бир кабрнинг устидаги узун тошда арабча: «Бу кабр Хидоят пошша кози Абдулхайхўжа кизининг кабридир. 1277», деб ёзилгондир. Яна сўл томондаги бузулгон бир сагананинг бош тарафида ганч устига сиёх билан арабча: «Тўра пошша Бузрукхўжа кизининг кабри», деган мазмунда бир сатр хат зўрга ўкиладир. Бу хатнинг бошка ўрунларини ўқуб бўлмади. Тарихи ҳам билинмади.

Кози Шалнинг кабридаги тоштахталар бузилиб, синиб, кўбиси ерга тушган. Кабрнинг бош томонидаги ёзувли тош ҳам синиб пастга тушган. Бу тошдан факат икки парчасини топиб кабрнинг ёнига кўйдим. Бу тош парчаларидаги хатда кози билан отасининг исмлари кўринадир.

«Маориф ва ўқутгувчи» журнали,

1926 йил, 11—12-сон

КОЗИ КАЛОНИ ШАЛ ВА УНИНГ БОЛАЛАРИ

(давоми)

Ўтган мақоламда кози калони Шал (Мирабдулхайхўжа)нинг ёрдамига мухтож бўлгон йўқсул талабаларга хамма вақт моддий кўмак этиб тургонлигини ёзгон эдим.

Бунга мисол учун шу воқеани кўрсатиш мумкиндириким, кози Шал замонида Мухаммадзамон деган камбағал бир муллабачча «Шархи Мулло»хонлик чоғида эҳтиёжнинг мажбурияти билан баъзан мардикорлик килиб кун кўрмакда экан. Бир кун шу муллабачча кози Шалнинг уйига мардикорлик сифати билан келиб лой ишларида машгул бўлгон. Шул чокца кози Шалнинг олдида бир жамоа талаба келиб дарс ўқушга киришган. Бояги Мухаммадзамон бу талабаларнинг дарс устидаги мувохасасига бир оз муддат кулок солиб тургон. Охири, кизиқиб лой ичидан чиқиб козининг олдида келган ва дарсга оид бир масала тўғрисида ўзининг фикрини сўзлаган. Кози мардикорнинг

зехнлик бир муллабачча бўлиб, факат мухтожликдан мардикорлик этишга мажбур бўлгонлигини сезиб дархол уни ишдан озод этган. Мухаммадзамонга янги бош-оёк кийим бериб, уни хаммомга юбортургон. Шу кундан бошлаб уни ўз хузурига олиб ўкутиб тарбия килгон ва хатми кутуб килгонигача унинг маишатини таъмин этиб тургон. Мана шу Мухаммадзамон ўз замонининг энг фозил уламоларидан бўлиб умрининг охиригача Самарканднинг шаҳар ва туманларида муфти, мударрис, раис ва кози бўлиб тургон. Ўзи шоир ҳам таълифот эгаси бўлгон (Мухаммадзамоннинг тугилиши 1203да бўлиб, вафоти 1266нчи йилдадир).

Мухаммадзамоннинг ҳамма болалари олим ва шоир бўлиб келганлар. Унинг ўгли Мухаммадзиё машхур шоирлардан бўлиб, ўз замонида козилик этган.

Мухаммадзиёнинг ўгли Мухаммадсолихдирким, бу ҳам шоир ва девон эгасидур. Бунинг девони ашъори йўколгон бўлса-да, ҳозир бир мунча шеърлари бор. Самарканднинг бу кунги муктадир шоирларидан бўлгон Кори Масих (Тамхид) шу Мухаммадсолихнинг ўғлидир.

Кози калони Шалнинг асрдоши бўлгон ургутлик шоир кози Жумакули (Хумулий) ўзининг «Тарихи Хумулий» отли форсийча кўлёзма асарида кози Шалнинг Мухаммад Лутфуллаҳўжа (лакаби Бобоҳўжа) деган бир язнаси (синглисининг эри) тўғрисида анчагина маълумот берадир. Кози Жумакули Лутфуллаҳўжанинг шогирди бўлиб, ундан кўп истифодалар килгонлиги учун тарихчасида унинг хакида ва болалари тўғрисида ҳейли гаплар ёзадир. Бу маълумотни кози Шалнинг замонида ҳам таржимаи холига муносабатли бўлгони учун киска суратда ёзиб ўтамыз:

Лутфуллаҳўжа турли илму фанлардан хабардор, хатмкарда бир мулла бўлгонлиги учун уни амир Шохмурод 1204нчи йилларда Бухородан Самарканднинг Тиллакори мадрасасига мударрис этиб юборган. Самарканд муфтилиги билан Дахбед кентининг раислигини ҳам шунга топширган. Лутфуллаҳўжа дарсгўйликга хавасли ва талабаларга марҳаматли, пархезкор ва ахлоқди бир зот бўлгони учун оз бир замонда унинг шогирдлари кўпайган, халк орасида шухрат ва эътибори орткон. Шу йилда кози Шал билан унинг ора-сида бир турли муҳолифат ва англашилмовчилик чиккан. Натижада, Лутфуллаҳўжа хакида ҳукуматга карши бир мунча нолойик гаплар овоза бўлгон. Самарканд ҳокими муҳокамасиз, дагал муомалали, золим бир одам бўлгони учун Лутфуллаҳўжа унинг сиқишидан кўркуб, оиласи билан Шахрисабз томонга кочиб кетган. У вақтдаги Шахрисабз ҳокими Ниёзали девонбеги (кенагас) бу кишини гоят эҳтиром билан карши олиб, Китоб шаҳрида ўрнаштирган. Унинг маишатини ҳам таъмин этган. Лутфуллаҳўжа шу ерда бир неча йил дарсгўйлик билан машгул бўлгон.

Кози Жумакули ёзадир: Мен бу устознинг илмидан кўп фойдаландим. Ўзга талабалар пешкадам бўлгон вақтларида ўқуйтирган баъзи илму фанларни устозим менга пастка-дамлик холимда ўргатди. Мен «Кофия»хонлик чоғимда бу кишидан аруз, кофия, шеър, масоҳат ва фароиз каби илмларни ўргандим. Бир куни устозим менга бир мактуб бериб, «шуни Самаркандга элиб, кайнонамга (яъни, кози Мирабдулхайхўжанинг онасига) топшир ҳам жавобини келтир», деб хизмат буюрдилар. Хатда устозим аввалги мансабини олиб бериш учун кайин онасининг воситачилик килишини ўтинган эди.

Мен Самаркандга бориб, устозимнинг мактубини кози Мирабдулхайхўжанинг онасига топширдим. Икки-уч кундан кейин бу хотиндан мактубнинг жавобини олиб Шахрисабзга кайтиб келдим. Шундан бир неча вақт ўтгач, 1210нчи йилда кози Шалнинг иккинчи язнаси (устозининг божаси) бўлгон Шайх ул-ислом Хонхўжа билан онасининг ҳаракати натижасида иш битди. Шундайким, Бухоро ҳокимининг мактуб оркали хабар бериши билан устозим Лутфуллахўжа Самаркандга кўчиб бориб яна аввалги мансабларини қўлга олди ва амир Шохмуроднинг вафотигача, 1216 йилгача шу хизматларини бажариб турди.

Кози Жумакули шу муносабат билан Лутфуллахўжа ила кози Шал орасида бўлиб ўтган кизик бир воқеани хикоя этадир. Устозим амир ва ҳокимларга хушомад қилмайтургон ҳақгўй ва жасоратлик эди. Бир куни Шердор мадрасасида тузилган улуг бир мажлисда Самарканднинг хейли ақиб ва уламолари, умаро ва фузалолари бор эдилар. Шунда Самарканд ҳокими билан кози Шал бир-бирига яқин ўлтургон эди. Иккаласи бир-бирининг қулогига ёширин суратда анчагина гапиришди. Устозим Лутфуллахўжа уларнинг бу номуносиб ҳаракатига қарши «мусулмонлар мажлисида икки кишининг бир-бирига махфий гапириши шаръан тузук эмас, ажабо сизлар ислом қозиси ва ҳокими бўла туриб шундай ярамас ишни иртиқоб қиласизми», деб танбех айтди. Ҳоким гапирмасдан жим турди. Кози Шал «Истасангиз, сиз ҳам чўзилиб, сўзимизга қулоқ солинг», деб жавоб қайтарди. «Бу киши жуда кизик одам экан. Ўзи иртиқоб этган мазмун ишга ўзгаларни ҳам қўшмоқчи бўладир», деб қаттиқ муқобала қилди. Шунинг билан қозию ҳоким ёширин гапиришдан тўқталдилар.

Кози Жумакулининг ёзғонига қўра, амир Шохмурод ўлганидан кейин унинг ўғли амир Хайдар Лутфуллахўжани оиласи билан Бухорога қўчириб, қатта бир мадрасада мударрис қилгон. Бухоро туманларида ҳам кози этиб қўйгон. Бир неча йилдан кейин Хисор ҳокими ва амир Хайдарнинг қайнотаси бўлгон Сайидоталик (юз) амирнинг рухсати билан Лутфуллахўжани Хисорга қўчируб олиб боргон ва шунда кози-мударрис белгулаган. Лутфуллахўжа Хисорда бир неча йил туриб, 1238 йилда ўлган.

Лутфуллахўжанинг хотуни (кози Шалнинг синглиси)дан Ширинхўжа, Офокхўжа ва Қозихўжа деган уч ўғул қолгон. Кози Жумакули булардан Ширинхўжани қўбрак мактайдир. «Бу киши ақлий ва нақлий илмларни таҳсил этган; ашъор, аруз, хандаса, мусикий ва иншони биладир», деб ёзадир.

ИЗОХ ВА ТАСХИХ

Аввалги мақоламда кози қалони Шал Носирхўжанинг қўп бог-ерларини арзон баҳо билан сотиб олгон, деб ёзгон эдим. Унда Носирхўжанинг исми ҳато қетган, тўғриси Мирабунасрхўжа бўлиб, кози Мирмуаззамхўжанинг ўғлидир (булар ҳозирги кози Исохоннинг қатта қоболаридирлар). Воқеа мана шундай:

Амир Шохмурод тахтга ўлтурғонидан кейин Самарканд кози қалони бўлгон Мирмуаззамхўжани барча ақрабо ва оилалари билан Бухорога қўчириб, Вагонзийнинг қарб томонида бўлгон Хўжа Соқтаре деган маъзада ўринлашдиргон. Кози Муаззамхўжанинг қарат Мирабунаср деган ўғли Самарқандда қолгон. Бу киши жуда

соддалавх ва нўнок бўлгони учун амир унга тегмаган. Мана шу Абунасрхўжа ўз овкати топишдан ожиз бўлгони сабабли ота-боболаридан колгон кўп ер ва боғларини секин-секин кози Шалга сотиб еган.

Амир Хайдар замонида Мирмуаззамхўжанинг оилалари яна Самаркандга кўчирилиб юборилган. Шунинг учун кози Шални «мираконий хўжаларидан уйланди», дейиш тўғри бўлиб чиқмайдир, балки унинг ўғли кози Абусайидхўжа мираконийлардан уйлангандир.

Яна ўтган мақоламда «кози Шал Инжил ва Тавротни ҳам форсчага таржима қилгон», деб ёзилгон эди. Сўнги текшириш натижасида бу ҳам тўғри чиқади. Кози Шал ёлғиз Забурни арабчадан форсчага таржима қилгон. Тавротни эса унинг ўғли кози Абусайидхўжа эроний тилидан форсчага таржима қилгон. Таржима ишига Самарканд жу-худларидан бир неча мулларар қилиб ёрдамлашгон. Буни эса ҳозирда саксон ёшларда бўлгон кози Исохон ўзининг отасидан нақл қилиб гапирадир, «Самария» китобидаги маълумот ҳам шунини таъкид қилади.

КОЗИ АБУСАЙИДХЎЖА

Кози калони Шалнинг энг фозил, мутабаххир ва мутафаннун ўғли Абусайидхўжадир.

Амир Хайдар замонида кози Шал (1243 йилда)нинг ўрнида Абусайидхўжа Самаркандда кози калон тайин этилган. Кози Абусайиднинг ўғли Абутохирхўжа ўзининг «Самария» отли форсча тарих китобида отаси ҳақида шунини мазмунда бир неча сатр ёзиб ўтади:

«Шайх ул-ислом мавлоно Абдулхайнинг вафотидан кейин барча ақлий ва нақлий билимларни билатургон ўғли мавлоно Абусайидхўжа кози калон бўлдилар. Аксар авқот амир Хайдар бу зотни ўзи билан бирга Бухорога элтиб, Бухоро уламолари билан мунозара ва мубоҳаса қилдилар эди. Ақлий илмларга «ангуштнамо» бўлгонликлари учун ҳамма бу кишининг илму фазлига қойил эди (47-бет). Бунга қараганда кози Абусайид амир Хайдар замонида бир йилгина қозилик қилгон бўладир. Чунки амир Хайдар 1244 йилда ўлгандир. Бундан кейин амир Насрулло замонида кози бўлиб туради. Амир Насруллонинг кози Абусайидни қандай хизмат ва шароит билан ўз ўрнида қодиргонлиги тўғрисида шундай ривоят бор:

Маълумдирки, амир Хайдарнинг ўлган вақтида унинг ўғулларидан Насрулло Қаршида ҳоким, Хусайн Бухорода ва Умархон Қарминада эдилар. Хусайннинг тарафдорлари уни отасининг тахтига ўтқуздилар. Икки йилдан кейин амир Хусайн ўлиб, унинг тахтини биродари Умархон эгаллик қилди. Бу орада Насрулло ҳам Қаршида жим турмади. Салтанатни қўлга олиш учун турли чора ва тадбирлар излади. Ўз тарафдорларини қўпайтириш ҳаракатида бўлди. Қарши ва Миёнқолатни ўзига қаратди. Самарканд халқини ҳам ўзига ияртиш мақсади билан кози Абусайидга ёширин хат юбориб, агар Самарканд халқини ўзига итоат қилдириш хизмати бажарса, қозига умрлик Самарканд кози калонлигини беришга ваъда этди.

Кози Абусайид шунини бажариш учун тиришди. Самарканднинг шаҳар ва туманларидаги барча эл-уруғ бошлиқларини ва оқсоқолларини олдида чақиртириб,

уларга мақсадни тушунтирди, мансаблар ваъда килди. Уларнинг сўзини олгондан кейин тахминан икки юз кишининг рўйхатини Насруллога юборди. Насрулло томонидан шуларнинг номларига юборилган икки юзта ёрликни эгаларига топширди. Шунинг билан Самарканд халки Насруллони амир билиб, унга байъат килгон бўлди. Тездан уни Каршидан Самаркандга келтириб, тантана билан Кўктошга ўтқузидди.

Шундан кейин Насрулло Карши, Самарканд ва Миёнколотдан аскар тўплаб Бухорога хужум килди. Бухорони етмиш кун муҳосара килгандан сўнгра шаҳарга кириб, салтанат тахтини қўлга кирғизишга муваффақ бўлди.

Мана, амир Насрулло ўзининг ваъдасига мувофиқ Абусайидни (хизматининг мукофоти учун) Самаркандда умрлик кози калон қилиб қўйди, лекин кози Абусайид ўлгандан кейин козиликни миракониё хўжаларга берди. Шунинг билан баробар кози Абусайиднинг ўғилларини ҳам Бухорога қўчириб юборди (бу кози Эсоннинг ривоятидир).

КОЗИ АБУСАИД ВА МАРЖОНИЙ

Кози Абусаид бир ёқдан козилик, иккинчи ёқдан Шердор мадрасасида дарсгўйлик этиб тургон. Ундан кўб шогирд-лар етишган. Ўзининг ўғли ва набираларини ҳам ўқутгон ва бошқа олим кишиларга ўқутдургон. Ўғулларидан Абутохирхўжа тиб ва тарих илмларига, Умархўжа хайъат илмига мутахассис бўлгонлар. Тоторларнинг машхур мужаддиди бўлгон Шихобиддин Маржоний 1259нчи йилда Бухородан Самаркандга келиб, кози Абусаиднинг халқаи тадрисида икки йил чамаси мулозамат килгон. Козининг илмидан ва бой кутубхонасидан чексиз фойдалангон. 1333нчи йилда Козонда босилгон «Маржоний таржимаи холи» исмли улуг бир асарда Маржонийнинг Самарканд сафарига 15 бетлик ўрун берилган. Шу китобда ёзилгонига кўра, Маржонийнинг «Маржоний» бўлишига, унинг эътиқоди изтироб ва шубҳалардан кутулиб аниқ бир идея (мафкура) эгаси бўлмоқига кози Абусаиднинг тарбияси ва кутубхонаси сабаб бўлгон. Кози Абусаиднинг хақиқий таржимаи холини билмак учун Мар-жонийнинг «Вофийат ул-аслаф» исмли асаридаги шу сўзларини айнан нақл қиламиз:

Кози Абусаид бинни Абдулхай бинни Абулхайри Самаркандий хазратлари вақтидаги Мовароуннахр уламосининг энг буюкларидан бўлиб, ҳамма ишларда басиратли, диққатли муҳаққиқларнинг ва салафларнинг жуда кўб китобларини мутолаа этиб, жуда кўб тўғри маълумот ҳосил этган муҳибби ҳақиқат бир аллома эди. Тарихни, халқнинг руҳини, ахлоқи оламини ҳамда ҳисоб, хабар, муқобала, хандаса, хайъат, жуғрофия ва булардан бошқа аклий ва нақлий фанларни билар, факат фароиз илмидагина маълумоти ноқис эди.

Тавозеъли, жавонмард, хушхулқ, хушмажлис, инсофли, ҳар кимни даражасига кўра эҳтиром ва тақдир этар, Мовароуннахр уламози қаби худбин, бошқаларнинг кадр-кимматини билмайтургонлардан эмас эди.

Мен Самаркандда унинг ҳузурида тургонимда, намоз ўқушда ҳамма вақт мени имом этар, баъзи вақт йўлда ёки богчада намоз ўқумок тўғри қилиб қолса, ўзига «жойнамоз» ёки қийим берсалар, «бунга имом мустаҳикрок» деб менга берар, ўзи ерда намоз ўқур эди.

Бир вақт Самарканд ҳокими олдида мени ортиқ мактаб «бу йигит илм тўғрисида катта китоблар ёзгон бурунги мусаннифлардан ҳам юкори» деб гапирди.

Кози Абусаид китоб тўплашга жуда харис бўлиб, ўзида бўлмагон бир китоб кўрса, икки баҳосини тўлаш билан бўлса-да, сотиб олар, хар фанда жуда кўб азииз ва кимматли китоблари бор эди.

Ахли тарикат ва машойихни эҳгиром этар, чет мамлакат одамларига учрагонда, сунний-шиа бўлишига карамасдан, ёрдам ва ҳурмат этар, вилоятларидаги олимларидан, адибларидан, мамлакатларининг ахволидан сўрашар эди. Шунинг учун турли мамлакатларга ва уламоларга оид кўб маълумот ҳосил этган эди.

Ўзи жуда бой бўлиб, жойларда ерлари, бокчалари, хавлилари бор эди. Отаси вафот этганда, меросидан ҳеч нарса олмади. Бошқа ворисларига таксим этди. Козилиги устига Самарканднинг бир неча мадрасаларида мударрис эди. Мен ҳам Самаркандда тургонимда китобларини орийатга олиб, кўб истифода этдим. Бошқа ерларда топилмайтургон нодир ва нафис китобларидан кўриб, кўб нарсалар кўчириб ҳам олдим. Меним тарих билан машгул бўлишимга, тарих китоблари мутолаа эта бошлагонимга бош сабаб шу кори Абусаид хазратлари бўлди.

Хулоса, Мовароуннаҳрда ушбу зот каби маълумотли, инсофли, тўғри фикрли одам кўрмадим. Бу зот илм хонасидан бўлиб, ота-боболари ҳам улуг ва машҳур уламодандир. Кози Абусаиднинг «усули фикх», «калом» фанларида баъзи асарлари ҳам бор. Ёши етмишлардадир. 1265нчи йил 1бнчи шавволда (1849 йил 23 августда) вафот этди. «Устози замона» сўзининг харфлари жамъ килинганда вафот таърихи чиқади (Маржоний, бет: 48-50). Маржоний таржимаи холида ёзиладир: «Чин илм ва тараккий йўлига кирган кишилар, кўб вақт ўзларига бирар кишини йўлбошчи этиб, кўб ишларида шунинг йўли билан ҳаракат этадилар». Маржонийнинг таржимаи холини тадқиқ этганда кўб ўрунларда ушбу кози Абусаид йўли билан ҳаракат этганлиги, козининг камолотига мафтун бўлиб, кўб жихатлардан ушбу козига ўхшарга тиришконлиги кўринади.

Маржоний «Вофият ул-аслаф» ва биринчи қисм «Мустафод ул-аҳбор» китобларида кози Абусаиддан Мовароуннаҳр уламоси ва амирлари ҳақида кўб маълумот ва узун муҳокамалар ривоят этади. Маржонийнинг ривоят этган сўзларига қараганда, кози Абусаиднинг кенг маълумотли, тўғри муҳокамали, атрофли тушунгувчи, улуг муаррих эканлиги кўриниб туради (Маржоний, 51-бет).

Кози Абусаид Маржонийни ўзидан фойдаландургонидек, ўзининг ўгул ва набираларини Маржонийга ўқутдириб ундан ҳам фойдалангон. Самарканддан кетиш вақтида Маржонийга (илмий кучи ҳақида) расмий шаходатнома берган.

Маржонийнинг Самаркандга келган йилида Орифжонбой деган бир хайрот эгасининг масорифи билан Самаркандда янги бир мадраса бино этилмакда экан. Бу мадрасанинг кўбрак ишлари кози Абусаид ихтиёрида бўлгонидан кози Маржонийга: «Бу йил ҳам Самаркандда қолингиз. Мадрасанинг биноси тамом бўлгонда, хужраларига талаба

ўрунлашдириш меним ихтиёримда бўладир. Шу мадрасадан сизга ҳам бир хужра бераман. Шунда ўринлашарсиз. Сўнгра истаган вақтингизда хужрани сотиб кетиб, пулига Бухородан ўзингиз учун яхши бир хужра оларсиз», деб гапирган. Маржоний қабул этиб, мадрасанинг биноси битгандан кейин бир хужрасига ўрунлашиб тура бошлагон. Лекин бир неча вақтдан сўнгра Маржоний билан мадрасанинг бир мударриси орасида низо чикиб, хужрани сотиб Бухорога кетишга мажбур бўлгон. Ушбу воқеадан кейин Маржоний «Шу бадбахт мударрис билан низоимиз бўлмагонда, мен Самаркандда қолиб Бухорога қайтмас эдим. Меним учун Самарканд фойдали эди», деб гапирар экан (Маржоний, 60-бет).

Кози Абусаид Самаркандда тахминан йигирма икки йил козилик ва мударрислик этган. Унинг Тавротнинг форсча таржимасидан бошқа усули фикхга оид «Гоят ут-тахкик» исми арабча бир асари бор эканким, кози Исохон «Мен бу китобни ўқиб жуда хушлаган эдим. Бу асар бухороли Абдулазиз махдумнинг «Кашф ул-асрор» отли китобидан фойдаланиб ёзилгон», деб сўзлайдир.

МУХРИ

Кози Абусаиднинг бир мухрида шу форсча бир байт ёзилгон:

Козийи шахри Самарканд аст в-аз акрон фарид,

Ал-Тохо, насли Ёсин, бин Абдулхай Абусаид[3].

1222-1225нчи йилларда ёзилгон форсийча васикалардаги давра мухрининг атрофида шу сўзлар бор: «Ал-мута-ваккил ъалаллох мухибб ул-уламо, ходим ул-фукаро, мухлис ул-урафо»[4]. Мухрнинг ўртасида: «Кози ул-куззот Мирабусаидхўжа кози калон ибн Мавлавий Мирабдулхайхўжа Шайх ул-ислом», деб ёзилгон. Шулардан ҳам билинадурким, кози Абусаид умрининг охиригача Самаркандда козикалон бўлиб тургон. Шунга кўра, «Тарихи амирони Мангитияи Бухоро» исми китобдаги: «Амир Насрулло кози Абусаидни Бухорога кўчуруб, хонанишин килди», деган сўз тўғри бўлса керак.

МУНОЗАРА ВОҚЕАСИ

Мангит амирларидан кўбиси, айникса, амир Хайдар билан амир Насрулло ҳамма вақт машхур муллаларни бир-бири билан мунозара киддиришиб юрар, мунозарада қолиб бўлгон муллаларга холига қараб мансаб берар эди. Ўз замонларида кози калони Шал билан унинг ўғли кози Абусаид ҳам шундай мунозараларда ҳамма вақт галаба қилиб тургонлар. Амир Насрулло бир дафъа Бухородан машхур мунозарачи олимлардан хўжандлик мулло Хожибойни ўзи билан бирга Самаркандга келтириб, Тиллақори мадрасасида кози Абусаид билан мунозара киддургон. Шунда кози жим туриб, ўзини «мулзам» вазиятида кўрсатган. Козидан: «Нега сукут қилдингиз?» деб сўралгонда, у «уч сабабдан сукут этишни маслаҳат билдим: 1) мулла Хожибой шахримизда мусофирдир, мусофир кишини ҳафа қилишни муносиб кўрмадим; 2) бу пасткадам бир мулладир, бундай одам билан мунозара қилишқа таназзул этмадим; 3) Амир уни ўзи билан бирга келтирган. Амирга малол келмасин деб, уни мулзам қилмадим», деб жавоб берган.

Бу воқеадан кози Абусаиднинг амир Насруллога карши кандай муроса йўлини тутконлигини англамак мумкин дур.

Кози Абусаиднинг кабри ўз отасининг кабри ёнида бўлса керак, факат устида ёзувли тоши бўлмагани учун кабрини ажратиб бўлмай дур.

(Битмади).

«Маориф ва ўқутгувчи» журнали,
1926 йил, 11—12-сон

[1] Шу китоб тафсири Байзовий шархининг бир бўлаги бўлса керак, деб ўйлаймиз. Чунки кози Шалнинг тафсир ёзгонлиги хабари бу кунгача ҳеч кимдан эшитилмади.

[2] 1868нчи йилда руслар Самаркандни олгондан кейин кози Шалнинг набиралари бўлгон Абдулхайхўжа, Махдийхўжа ва Абутохирхўжалар Бухорога кўчиб кетиб шунда колгонлар.

[3] Самарканд шахрининг козиси замонасининг яктоси эди, унинг номи Ал-Тохо, Ёсин авлодидан Абдулхай ўгли Абусаид.

[4] Оллох таолога таваккал килувчи ва уламоларни яхши кўрувчи, фуқароларга хизмат килувчи ва ориф инсонларнинг мухлиси